O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 17 октябрь, шанба • № 81 (11.064) • Эркин нархда сотилади

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИЛАДИ

15 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандум доирасида сайлов қонунчилиги масалаларига бағишланган давра суҳбати бошланди.

Давра суҳбатида халқаро экспертлар, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис котибияти ва Адлия вазирлиги ходимлари иштирок этмоқда. Давра суҳбатида ЕХҲТ экспертлари иштирокчиларни турли давлатларнинг сайлов тизимидаги халқаро тажрибалари билан таништиради. Шунингдек, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги масалалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилади.

(ЎзА).

ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

14 октябрь куни Тошкент вилояти ҳокимлигида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тўққиз ойлик якунлари ва ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилган ишларга бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг иқтисод масалалари бўйича муовинлари, молия, банк, солиқ тизими раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Жаҳонгир Файзиев маъруза қилди.

Аввало маърузада тўққиз ойлик якунлар бўйича келтирилган рақамларни айтишдан олдин, унда ютуқлардан кўра кўпроқ йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, бой берилаётган имкониятларга асосий эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ислоҳотларнинг боришига бағишланган уч ойлик, ярим йиллик якунлар бўйича билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан нималар қилинди? Вилоятнинг халқ хўжалигидаги салоҳиятини тиклаш учун қандай қўшимча имкониятлар ишга солинди, амалга оширилган ишлар қандай натижалар берди? Йиғилиш ана шуни таҳлил этишдан бошланди.

Вилоят халқ хўжалигининг тўққиз ойлик якунларига келсак, унда бир қатор салмоқли натижаларга эришилди, албатта. Вилоятда белгиланган «1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари», «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш», «Оила манфаатларини таъминлаш» ва шу сингари муҳим дастурлар ва белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устувор вазифа бўлди.

Бевосита ишлаб чиқаришни оладиган бўлсак, етакчи тармоқ ҳисобланмиш саноатда тўққиз ойда 80,2 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 46,4 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бир йил давомида 101,4 фоиз ўсишга эришилди. Хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, молиявий аҳволни соғломлаштириш, эмиссияни қисқартириш, нақд пул муомаласини барқарорлаштириш, зарар кўриб ишловчи корхоналарни камайтириш, аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш сингари тармоқларда ҳам сезиларли ижобий силжишлар рўй берди.

Халқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантиришда нодавлат секторнинг улуши кескин ўсиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, ҳозирги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган барча мулк шаклидаги 8840та корхона ва ташкилотдан қарийб 7599 таси нодавлат секторига ўтказилди. Умумий саноат маҳсулотининг 77,8 фоизи ана шу корхоналарда ишлаб чиқарилди. Агросаноат мажмуида эса, унинг салмоғи янада ошди. Бошқача қилиб айтганда, ялпи маҳсулотнинг 98 фоизи хусусий секторда тайёрланди.

Ўтган даврда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, қурилишлар кўламини кенгайтириш, ободончилик ишларини ривожлантириш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. 299,9 километр табиий газ, 87 километр сув қувурлари тортилди. 3934 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 8та қишлоқ даволаш масканлари ишга туширилди. 277,5 минг квадрат метр янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолини иш билан таъминлаш 3,5 фоизга ўсди. 22 минг 184та янги иш жойлари яратилди. Уларнинг 10 минг лиги, ҳамма соҳада ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлар борлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислоҳотлар бир текисда бормаяпти. Масалан, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларида, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Ўртачирчиқ туманларида қимматли қоғозларни сотиш тўққиз ойлик топшириқлари бажарилмади. Бекобод ва Ўртачирчиқ туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича етарли иш қилинмади.

Корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзларини камайтириш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан уларни ҳали сезиларли камайтиришга эришилмади. Саноат корхоналарининг 119таси ўсиш суръатини пасайтириб юборди.

Вилоятнинг Чирчиқ шаҳри, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Бекобод, Юқоричирчиқ, Пскент, Чиноз ва Янгийўл туманларида саноатда ўсиш суръатлари таъминланмади. Корхоналарнинг омборларида ҳамон маҳсулотларнинг меёридан ортиқ туриб қолишига йўл қўйилмоқда.

Фаоллар йиғилишида ана шундай рақамлар келтирилар экан, бу камчиликларни тугатиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўсишга эришиш, энг муҳими барқарорликни таъминлаш ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган бир қатор фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Айрим шаҳар ва туман ҳокимликларига, тегишли бошқармаларга аҳволни тузатиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Биз йиғилишда айтилган бир мулоҳазани таъкидлаб ўтишни жоиз деб ўйлаймиз. Яъни ҳаммамиз таҳлилдан сабоқ чиқаришни ўрганишимиз керак. Келгусида ишимизни ана шу асосда ташкил этсак, ҳар кунги ишимизга, фаолиятимизга танқидий кўз билан қарасак, эртага шунчалик яхши натижаларга эришамиз. Ҳақ гап. Тўққиз ойлик таҳлил вилоят фаолларини ана шундай сабоқ чиқаришга ундади.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Бахтиёр Ҳамидов сўзга чиқди.

Вилоят фаоллари йиғилиши

Пахта — 98

280 МИНГ ТОННА УЧУН

16 октябргача вилоятимизда йиллик режанинг 58,68 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Кунлик ўсиш 2,21 фоизни ташкил этди. Ўтган куни далалардан 6181 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Мавсум бошидан бери уйилган хирмон 164311 тоннадан ошиб кетди.

Шу куни 174 минг 201 нафар теримчи далага чиқиб, ўртача 31,1 килограммдан «оқ олтин» топширди.

Ўтган куни пахтазорларда ишлаган 525та «зангори кема»нинг ҳар бири билан ўртача 2,2 тоннадан пахта терилди.

БИЗ ҲАМ РЕЖА ТУЗИБ ОЛДИК

ҲАР КУНИ дугоналарим билан эрта тонгда далага йўл оламан. Чамандек бўлиб очилган ҳосилни завқ билан терамиз. Вилоят ҳокимлиги Мурожаати эълон қилинганда уни ўқиб чиқиб, биз ўзимиз режа тузиб олдик. Мавсумда қанча пахта теришимиз мумкинлигини чамаладик ва яна ҳам астойдил бўлиб ишга киришдик. Сўзимизнинг уддасидан чиқиш учун ҳар кун, ҳар соатнинг қадрига етмоқдаман. Дастлабки кунларда 100-120 килограммдан тераётган эдим. Ҳозир 150-170 килограммга етказиб пахта топширмоқдаман.

Мавсумда ҳар биримиз камида беш тоннадан пахта теришни ният қилганмиз. Шахсан менинг шу кунгача терган пахтам уч тоннадан ошиб кетди.

Дилором ИСҲОҚОВА,
Пскент туманидаги Ислиддин Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги теримчиси.

Суратларда: Чиноз туманидаги Амир Темур номли фермерлар уюшмаси бош ҳосилоти Абдукарим Юсупов (чапдан), механизатор Ғулом Умаралиев ва 5-бригада бошлиғи Ҳурсандбой Бўрибоев; Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги илғор теримчилари (чапдан ўнгга) Офтобхон Усмонова, Дилдора Қаршибоева, Тожигул Мустафоевалар кунига энг кўп пахта териб, хирмонга барака киритишмоқда; шу хўжаликнинг пешқадам бригадаси бошлиғи Карим Аҳмедов чевар теримчи Юлдуз Усмонованинг ишидан доимо хурсанд.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БУ ЙИЛ ҲАМ ЕР ЧИЗИБ ҚОЛМАНГ...

Лўқма

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманида бу йил 36800 тонна пахта тайёрлаш режалаштирилган. Ушбу рақамга диққат билан эътибор берадиган бўлсак, айрим туманлар берадиган «оқ олтин»нинг деярли икки баробарини ташкил этади.

Хўш, амалда қандай бўляпти? Пахта тайёрлаш бўйича маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, туманда ҳозирга қадар йиллик режанинг 42,74 фоизи миқдорида пахта тайёрланганлигини кўришимиз мумкин. Бу вилоят туманлари ичида энг паст кўрсаткичдир. Пайшанба куни бу ерда далалардан режанинг 2,02 фоизи миқдорида «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу ҳам бошқа туманлар ичида паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мана кузнинг ҳам ярми ўтиб қолди. Ҳадемай, қиличини қайраб қиш келади. Ҳозир пайкалларда етилмаган ҳосилнинг ўзи қолмади. Биз туманда бўлиб раҳбарлар, мутахассислар билан суҳбатлашганимизда уларнинг аксарияти Қуйичирчиқ ерлари пастда жойлашганлиги, сизот сувларининг кўтарилиб кетиши туфайли ерлар кеч етилаётганлиги, натижада пахта кеч пишаётганлигини айтишди. Бунинг устига баҳордаги табиат инжиқликлари чигитни бир неча бор қайта экишга сабаб бўлибди. Хуллас далаларда кўсаги кечроқ очилган бўлса-да, давлат буюртмасини қоплайдиган ҳосил бор.

Аммо юқоридаги фикрлар баҳонадек туюлади бизга. Чунки Чиноз ва Оққўрғон ерлари Қуйичирчиқ ерларига туташ. Шароити деярли бир хил. Шундай бўлса-да, Чиноз тумани миришкорлари пахта тайёрлашда карвонбошилик қилишяпти. Оққўрғонда ҳам бу борадаги ишлар ёмон эмас.

Биз Қуйичирчиқ тумани далаларида бўлганимизда дарҳақиқат режани бемалол бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил борлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳатто ҳали қўл тегмаган пайкаллар бор. Аммо ялпи сафарбарлик етишмайди. Кўплаб майдонларда пахта қийғос очилиб турибди. Лекин уларнинг ичида на одам кўринади, на техника.

Шунинг учун ҳам айрим хўжаликларда суръат паст. Масалан, «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигини олайлик. Бу ерда 1290 гектар ерда ғўза ўстирилган ва 3210 тонна «оқ олтин» тайёрлаш режалаштирилган. Олинган маълумотларга қараганда, хўжалик аъзолари давлатга 14 октябрга қадар 675,1 тонна пахта топширишибди. Бу йиллик режанинг 18,7 фоизини ташкил этади, холос.

Аслида янги ҳаётчиклар вазиятни тўғри баҳолаб, барча куч ва имкониятларни ишга солишлари ва теримда кескин бурилиш ясашлари лозим эди. Аммо амалда тескариси бўлаётган кўринади. Бўлмаса хўжаликда бир кунда бор йўғи 1,23 фоиз пахта тайёрланармиди!? Бу тошбақа юриш билан улар қачон етиштирилган ҳосилни териб оладилару, қачон эл-юрт олдида берган ваъдаларини бажарадилар.

«Меҳнатобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари қолоқликда янги ҳаётчиклар билан мусобақа ўйнашган кўринади. Чунки улар ҳам 14 октябргача йиллик режанинг атиги тўртдан бир қисмига яқин пахта тайёрлашибди. Кунига топширилган ҳосил эса 1,5 фоизга ҳам етмаяпти. Агар суръат шу зайлда давом этадиган бўлса, режани уддалаш учун роса яна 45 кун керак бўларкан...

Шунингдек, тумандаги «Гулистон», «Пахтачи», «Дўстлик», Беруний номли, «Юлдуз» жамоа хўжаликларида ҳам йиғим-терим ишлари суст. Бу ерларда ҳали режанинг учдан бир фоизи миқдорида пахта тайёрланмаган бўлса-да, кунлик ўсишда бурилиш ясашга шошилмаяптилар.

Хўш, нега туман далаларида ҳосил борлигига қарамай суръат кўтарилмаяпти. Сабаби хўжаликларда яшовчи ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси далага тўла сафарбар этилмаган. Кўпроқ ёрдамчиларга умид боғлашмоқда. Ҳашарчиларнинг кўплари эса вақт ўтказиш учунгина далага чиқишмоқда. Хусусан, пахта тераётган 11 минг 753 ҳашарчининг кунлик иш унуми ўртача 27 килограммни ташкил этаётгани фикримизнинг далилидир.

Биргина Чирчиқ индустриал техникуми ёшларини олайлик. Туман хўжаликларига ёрдамга чиққан 498 талаба кунига ўртача 22 килограммдан «оқ олтин» терибди. Бизга айтишларича, ҳар бир ҳашарчининг бир кунлик ҳаражатига 150 сўмдан сарфланаётган экан. 22 килограмм пахтага 5 сўмдан ҳақ тўланганда 110 сўм бўлади. Эшагидан тушови қиммат, деб шуни айтсалар керак-да!

Хуллас, Қуйичирчиқ туманида ҳозирги терим суръати кўнгилдагидек эмас. Ғанимат кунлар эса, ўтиб боряпти. Унинг қадрига етиб аҳвол ўнгланмаса, ўтган йилгидек яна ер чизиб қолиш мумкин.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЯНГИ ШИФОХОНА ОЧИЛДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида кейинги йиллар ичида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Даволаш муассасалари моддий базаси мустаҳкамланди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътибор ортди.

Куни кеча эса туманнинг Жамбул номли ширкат хўжалигида замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган яна бир шифо маскани — қишлоқ врачлик пункти очилди. Бу ерда 22 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ҚЎЛ КЕЛДИ

ОҲАНГАРОН Қурилиш пластмасса материаллари ҳиссадорлик жамиятида германиялик ҳамкорлар ёрдамида умумий қиймати 18 миллион дойч маркалик янги ишлаб чиқариш линияси қуриб ишга туширилди.

Мазкур замонавий технология йилига 22 миллион квадрат метр ҳажмида плёнка тайёрлаш, ундан бир неча турда қурилишбоп материаллар ишлаб чиқариш имконини беради. Дастлабки маҳсулот буюртмачиларга ғоят манзур бўлди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

«АНГРЕННОН»НИНГ ЯНГИ ДЎКОНЛАРИ

ЁШ тадбиркор Раҳмонали Давлатов «Ангреннон» ҳиссадорлик жамиятига раҳбар этиб тайинлангач, корхонада катта ўзгаришлар бўлди. У дастлаб бекор ётган техника воситаларини таъмирлаб, улардан фойдаланишни йўлга қўйди.

Натижада қўшимча 8 та ишчи ўрни яратилиб, кунига аҳолига 35 минг дона нон етказиб беришдан ташқари, бир тоннадан ортиқ қандолат ва печенье ишлаб чиқаришга ҳам муваффақ бўлинди. Эндиликда корхонада тайёрланаётган турли макарон маҳсулотлари харидоргирлиги туфайли барчага манзур бўлмоқда.

Шуни айтиш керакки, сўнгги пайтда аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида жамиятга қарашли 4 та янги дўкон очилди. Уларда ҳар кунлик савдо 45—50 минг сўмни ташкил қиляпти.

Мурод ҒАФУРОВ.

БУЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

ОБЛИҚ норуда материаллар конида техник ускуналарнинг қайта таъмирлаш натижасида ишлаб чиқариш унумдорлиги сезиларли ошди. Эндиликда мавжуд тегирмонлар билан ойига 25 минг куб метр ҳажмда сифатли қум ва шағал тайёрланмоқда.

Бунда кўп йиллик тажрибага эга бўлган механика цехи бошлиғи Ориф Эргашев, экскаваторчилар Ҳасан Аминов, Сафарали Ҳилватов сингари ўнлаб илғорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу қурилишашёларига талаб ошиб, буюртмачилар сафи кенгаймоқда. Хусусан, Навоий, Тошкент, Хоразм, Сирдарё вилоятларидаги қатор қурилишларда шу корхона маҳсулотларидан фойдаланилмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ТАВСИЯЛАРГА ЭГА БЎЛИШДИ

ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси ва Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими биргаликда тайёрлаган «Мажбурий стандарт текшириш ишлари ҳамда рейтинг балларини ҳисоблаш жадваллари тўплами» ўқитувчилар қўлига етиб борди.

Унда 2-5-синф ўқувчиларини математика, табиатшунослик, рус тили, ўқиш, жисмоний тарбия бўйича кўп балли тизимда баҳолаш тартиб-қоидалари, болалар билимини синаш учун танлаб олинган мавзулар, мисол ва масалалар, топшириқлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, тўпламда ҳар бир чоракда бажариладиган вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Саид ВАЛИЕВ.

Вилоят ҳаёти
янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№





Миллий Дастур

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

Ангрен шаҳридаги касб-ҳунар коллежи ҳаётидан

БУ даргоҳда бўлган кишининг кўзи қувнайди. Кўркам бино, гулзорлар билан қопланган, саранжом-сариштa ҳовли сахни. Кенг, ёруғ хоналарда ўқув муассасаси учун зарур бўлган, замонавий технология асосида яратилган турли дастгоҳлар, энг сўнгги андозада чиқарилган компьютерлар, кўргазма воситалари тартиб билан жойлаштирилган.

Ёш авлодга қирқ йилдан буён билим ва тарбия бериб келаётган коллеж директори Любовь Николаевна Настюкова билан синфлар, устахоналарни айланар эканмиз, у ўзида йўқ қувониб:

— Янги дастур талабига мос биринчи касб-ҳунар коллежи бизда очилганидан хурсандмиз, айни пайтда бу ҳар биримизнинг маъсулиятимизни оширмоқда, — дея ўқув даргоҳи ҳақида гапириб берди.

Коллежда 200 нафар бола шуғулланмоқда. Улар шаҳар эҳтиёжидан келиб чиқиб танланган йўналишлар бўйича ҳунар эгаллашади. Илгари билим юрти ҳисобланган бу муассасада 23та ихтисослик бўйича ёшларга касб ўргатиларди. Ўқишни битиргач гоҳо ишга жойлашишда мушкулликлар туғиларди. Эндиликда бу ерда электр ва газ пайвандчилари, ҳисоблаш машиналари, компьютер тармоқларидан фойдаланиш, радиотехника ва радиоэлектроника, молия ҳамда ҳисоб-китоб ихтисосликлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Коллежда дунёқараши кенг, чуқур билимли, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, сиёсий маданияти ва маънавияти юксак, меҳнатсевар ва ташкилотчилик хислатларига эга бўлган шахсни шакллантириш бош мақсад ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янги ўқув йилининг бошиданоқ дарслар давлат стандарти талаблари даражасида олиб борилмоқда. Келгусида бу ўқув даргоҳи бошқа коллежларни ташкил этиш учун марказ бўлиб қолади.

Коллеж ўзининг бой кутубхонасига, спорт мажмуига, ҳордиқ масканига, ётоқхонага, сифатли таомлар тайёрлайдиган ошхонага эга. Бундай имкониятларнинг яратилиши ўқувчилар кайфиятини кўтариб, уларни чуқур билим олишга ва касбни пухта эгаллашларига даъват этмоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.





МАЪЛУМКИ, шу йилнинг 23 октябрь куни мамлакатимизда буюк ватандошимиз, Ҳадис илми ривожига бебаҳо ҳисса қўшган аллома Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелда қабул қилган қарорига мувофиқ қутлуғ тўйга барча жойда қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айниқса, тантаналарнинг асосий қисми ўтадиган Самарқанд вилоятида шонли сана муносабати билан катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Аждодларини эслаш, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, уларни шарафлаш ҳар бир инсон учун бурчдир. Муҳтарам Президентимиз Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ қадриятларимизни тиклаш, маданий ва тарихий меросни ўрганишга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Диёримизда яшаган улуғ инсонларни, зукко ота-боболаримизни таний бошладик, улар маънавий дунёсидан, меросидан баҳраманд бўла бошладик.

Ана шундай зотлардан бири — Ҳадис илмининг султони — Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳисобланади. Ҳазрат илмий-диний меросининг халқимиз маънавий ҳаётидаги беқиёс ўрнини инобатга олиб ҳамда уни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида аллома таваллуди кенг миқёсда нишонланяпти.

Юбилей тантаналарининг асосий қисми Самарқандда ўтказилиши табиий ҳол, албатта. Чунки алломанинг хоки-пойи шу заминда ётибди. Челак туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган қабр тепасидаги мақбара ва Имом ал-Бухорий масжиди қиёфаси тубдан янгиланди. Бу ерда эски, кўримсиз бинолар ўрнига миллий меъморлик анъаналари, шарқона услуб билан уйғунлашган иншоотлардан иборат бетакрор муҳташам ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Айни пайтда кошонада сўнгги пардозлаш юмушлари бажарилиши билан бирга, атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мажмуа қурилишида нафақат самарқандлик қўли гул бинокорлар, балки мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган наққошлар, сангтарошлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари, бошқа касб эгалари чинакам фидойилик кўрсатаётир. Улар орасида қалб даъвати билан улуғ ишга бош қўшаётган саховатпеша, савобталаб кишиларимиз борлиги бизни беҳад мамнун қилмоқда. Қолаверса, мажмуа лойиҳачилари, муҳандислар ҳар бир ишга синчковлик билан ёндошаётганлигини қайд этиш ўринлидир. Улар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мажмуада бўлган чоғида билдирган қимматли маслаҳатлари, йўл қўйилган айрим камчиликларни тугатиш юзасидан берган таклифларини ҳам вақтида амалга оширдилар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида маданий-маърифий соҳага алоҳида аҳамият қаратилганлиги барчага маълум. Биз шу йўналишда ҳам қатор ижобий натижалар қўлга киритилганлигини фахрланиш ҳисси билан айтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, фанлар академияси, мусулмонлар идораси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари ўзаро ҳамкорликда бажарган тадбирлар туфайли бир қатор муваффақиятларга эришилди. Бунда Самарқандда фаолият олиб бораётган «Имом Ал-Бухорий» халқаро жамғармасининг ишлари таҳсинга лойиқ. Жумладан, тайёргарлик жараёнида Имом ал-Бухорий ҳаёти, илмий-амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган: Саид Азим Муҳаммад Алининг «Имом ал-Бухорий таърифи» китоби, Зиёдулла Нурматовнинг «Имом ал-Бухорий» рисоласи, Душан Файзий Зарафшонийнинг «Имом ал-Бухорий» шеърий романи, Тоҳир Жулматовнинг шу номдаги пьесаси ёзилди. Арабшунос олим Убайдулла Уватов ўз мақолалари ва таржималаридан иборат «Имом ал-Бухорий ҳаёти» китобчасини, шунингдек, «Муҳаддислар Имоми» рисоласини ўқувчиларга тақдим қилди. Жамғарма томонидан «Имом ал-Бухорий» илмий-маърифий тўплами нашр этила бошланди. Ўзбек, араб ва инглиз тилларида аллома ҳақида тўлиқ маълумот берувчи рисола — буклет чиқарилди.

Юбилейни ўтказиш бўйича тадбирлар ҳам ранг-баранг. 23 октябрь куни Самарқандга хорижий мамлакатлар ва республикамиз турли бурчакларидан 500дан зиёд меҳмон келиши кутилмоқда. Улар орасида давлат раҳбарлари, жамоатчилик ва дин арбоблари, олимлар бор. Муҳташам «Афросиёб» меҳмонхонасида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятидаги ўрни» мавзусидаги халқаро анжуман иш бошлайди. Кейин барча меҳмонлар Челак туманига йўл оладилар, у ерда Жума намозида иштирок этадилар. Ҳайр-эҳсон учун олиб келинган қўйлар қурбонлик қилинади, зиёратга келганлар учун дастурхон ёзилиб ош берилади. Қатнашчиларнинг Шоҳизинда, Даҳбед қўрғонидаги Мавдуми Аъзам мақбараларини зиёрат қилишлари, бошқа тарихий ёдгорликларни кўздан кечиришларига имконият яратилади.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚИЛСА БЎЛАР ЭКАН-КУ...

ВИЛОЯТИМИЗДА қатор кимё саноати корхоналари ишлаб турипти. Улар ўз маҳсулотларини халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларига етказиб бермоқда. Айни вақтда бу корхоналар атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳам ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам уларда табиатни муҳофаза қилиш ишларига тобора катта эътибор бериляпти. Жорий йилда ҳам бу соҳада кенг ҳажмли ишлар амалга оширилди. Айниқса, оқава сувларни тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш, водопровод-канализация тозалаш иншоотларини таъмирлаш ўз самарасини берди. Биринчи ярим йилликда оқаваларни сув ҳавзаларига оқизиш деярли барча тармоқ корхоналарида сезиларли камайди. Бу икки миллион 300 минг куб метрдан ортиқроқни ташкил этди.

Ҳамид СОБИРОВ.

Ижтимоий муҳофаза

1998 йилнинг ўзида корхонада уй-жой қураётганларга 500 минг сўм, ёшларни ўқитишга 600 минг сўм ва бошқа ижтимоий муҳофаза ишлари учун ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди

ИСЛОҲОТНИНГ БОШ БЎҒИНИ

БУ КОРХОНА барпо этилганидан бери эл хизматида. Унинг кўп кишилик, кўп миллатли аҳил ва иноқ жамоаси аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Энг муҳими, зиммасидаги шу масъулиятли ва шарафли вазифани сидқидилдан бажармоқда.

Йўловчилар ташиш топшириқларини мунтазам тўла ва ошириб бажармоқда. Ҳозирги вақтда ёнига «Бекобод автобус-такси саройи» деб ёзиб қўйилган транспорт воситаларини фақат у жойлашган шаҳардагина эмас, шу билан бирга вилоятимиз, ҳатто, мустақил республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам учратиш мумкин. Жамоанинг хизмат доираси ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Ўз ўрнида олинаётган даромад, кўрилаётган фойда ҳажми ҳам кўпайгандан кўпаймоқда.

Сарой транспортчилари жорий йилда ҳам самарали ишлашяпти. Ойлик режалар муваффақиятли адо этиляпти. Йилнинг ўтган даврида у 102 фоиз атрофида бажарилди.

Икки йилдан ошиқроқ вақтдан бери хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаётган жамоа унумли ва сифатли меҳнат қилишидан, аввало, ўзи манфаат кўрмоқда. Олаётган иш ҳақи миқдори ортиб бормоқда, бунинг устига қўшимча мукофотлар олинмоқда. Айни вақтда транспортчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга кўпроқ маблағ ажратиш имкони туғилмоқда.

Республикамиз Президентининг ташаббуси билан жорий йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Албатта, бу қуруқ шиор эмас, амалда оила фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни иложи борича кенг миқёсларда амалга ошириш назарда тутилган. Автосарой маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоат ташкилотлари бу масалага жиддий эътибор бермоқдалар. Шу мақсадга эришишга ёрдам берадиган барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Саройда жамоанинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтишнинг ўзи ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу йил транспортчилар оилаларининг уй-жой шароитларини яхшилашга ҳар қачонгидан ҳам кўп маблағ ажратилди. Биринчи ярим йилликда уй қураётган, уни таъмирлаётган ишчи-хизматчилар ва ходимларга беш юз минг сўм сармоя билан қарашилди.

Кам таъминланган, ночор оилаларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам берилмоқда. Бунинг учун юз минг сўм ажратилди. Жамоада ёшлар кўп. Уларнинг айримлари ўз малакасини ошириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш, шу йўл билан етук мутахассис бўлиш истагини билдирмоқдалар. Корхона маъмурияти уларнинг бу олижаноб мақсадлари амалга ошиши учун ёрдамини аямаяпти, уларни қўллаб-қувватламоқда. Чунки, улар корхона ишлаб чиқариши учун зарур бўлган мутахассисликларни эгалламоқчилар. Албатта, шу жамоа сафига қайтиб келадилар. Биринчи ярим йилликда билим даргоҳларида шартнома асосида билимини ва малакасини ошираётган транспортчиларга олти юз минг сўм маблағ ажратилди.

Ижтимоий муҳофаза қилишнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланилмоқда. Айниқса, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилалари аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун маблағ аялмаяпти. Улар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, санаторий, дам олиш уйлари ва бошқа турдаги ҳордиқ чиқариш масканларига юборилмоқда. Улар бепул ва ҳақиқий рамзий тўланган йўлланмалар билан таъминланишяпти. Фақат касалхоналарга олтмиш минг сўм ўтказилди. Ўнларча транспортчилар санаторий ва дам олиш уйларига бориб, саломатликларини мустаҳкамлаб келишди. Улар йўлланма нархининг 10 фоизини тўладилар, кўпчиликдан уларнинг ҳаҳи олинмади.

Мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларга бой шаҳарларга экскурсиялар уюштириш ҳам анъанага айланиб қолган. Ишчи-хизматчиларнинг истаги билан Самарқанд, Бухорога шундай ташрифлар ташкил этилди. Корхона транспортчиларининг бир неча гуруҳи шу қадамжоларга бориб, халқимизнинг бой ўтмиш тарихи билан танишдилар. Саройда Мустақиллик ва Наврўз байрамлари доим кенг нишонланади. Бу айёмларда жамоа ва унинг аъзолари оилалари учун катта дастурхон ёзилади, ош тортилади. Бу йилги Наврўзни байрам қилишга маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси 150 минг сўм сарфладилар. Транспортчилар тўй қилсалар, турли маросимлар уюштирсалар ҳам ёрдам кўрсатилади. Фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида 161,5 минг сўмлик шундай моддий кўмак берилди. Ғалаба байрами, хотин-қизлар кунида ҳам дастурхонлар ёзилиб, уруш қатнашчилари, аёлларга совға-саломлар улашилади, пул мукофотлари тарқатилади. Жамоа аъзоларини пенсияга эсда қоларли қилиб кузатишга ҳаракат қилинади. Бунинг учун барча транспортчилар иштирокида тантанали йиғилиш уюштирилиб, жамоани тарк этаётганларга совғалар топширилади.

Бундай катта эътибор ҳайдовчилар, таъмирловчилар ва бошқа касб эгаси бўлган транспортчиларни унумли ва самарали ишлашга руҳлантирмоқда. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, бундай ғамхўрлик жамоада меҳнат кўтаринкилигига ижобий таъсир қилмоқда.

Собир ҲАМИДОВ,
Усмон МУҲАМЕДОВ.

ЭРТАНГИ ҲОСИЛ УЧУН:

ҲАРАКАТНИ БУГУН БОШЛАШ КЕРАК

ХАЛҚИМИЗДА эрта эккан хирмон қилур, деган нақл бор. Дарҳақиқат миришкор деҳқонларнинг таъкидлашича барча экинлар, хусусан, ғаллани эрта экишда ҳосият кўп. Чунки оби-тобида тайёрланган ерларга барвақт ташланган уруғ қишли-қировли кунлар келгунча илдиз отиб, кўкариб олади. Томири ерга мустаҳкам ўрнашиб олган бўғдой, арпа учун совуқ ва қорнинг таъсири билинмайди. Баҳор келиб, ҳарорат кўтарилгач, ривожи тезлашади, озуқа моддалари, намдан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлиб мўл ҳосил тўплайди. Бу тажрибада кўп марта исботланган.

Аксинча, кечикиб экилган уруғнинг совуқ тушиб қолганда униши қийинлашади. Амаллаб ундириб олинган тақдирда ҳам нимжон ниҳолларни кейинчалик совуқ уриб кетиши мумкин. Қолганлари баҳорда ўзини тутиб олгунча вақт ўтади. Натижада ҳосили кўнгилдагидек бўлмаслиги билан бир қаторда кечки бўлиб қолиши мумкин. Вақтидан ўтиб ўрилган пайкалларга эса, такрорий экин экиш кечикиб кетади. Яъни ернинг умри бекорга ўтиши мумкин.

Бу оддий ҳақиқатни яхши билган Оҳангарон тумани ғаллакорлари ҳам дамни ғанимат билиб ерга барака уруғи ташлашни кун сайин қизитмоқдалар. Туманда ўтган йили мавжуд сувли майдонларда ҳосил етиштирилиб, ўз вақтида ўрибянчиб олинди.

Миришкорлар жорий йилда 7100 гектар сувли ерга ғалла экишни мўлжаллашган. Айни кунларда иш ҳар қачонгидан қизиган. Иш конвейер асосида ташкил этилган. Сара уруғ пешма-пеш етказиб турилибди. Уруғлик билан бирга ерга маъданли ўғитлар солиб кетилмоқда. Ғалла экиб бўлинган майдонларга эса сувчилар обиҳаёт тарамоқдалар.

Шу кунгача туманда 6700 гектардан зиёд ерга барака уруғи ташлаб бўлинди. Бу йиллик режанинг 90 фоизидан ортиқ демакдир.

— Аммо режани муддатидан олдин бажараман, деб сифатни унутиш, шошма-шошарликка йўл қўйиш ярамайди, — дейди туман ҳокими Улуғбек Иброҳимов. — Шунинг учун ҳам ғалла экишдек муҳим мавсумга алоҳида пухта тайёргарлик кўрилди. Белгиланган майдонлар аввало сифатли қилиб шудгорланди, текисланди. Айниқса, техниканинг бетўхтов, юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида уларни созлашга катта эътибор бердик. Шу сабабли ҳам ғалла экиш мавсумини бир маромда ўтказишга эришяпмиз.

Биз ғаллазорларда бўлганимизда ям-яшил далаларни кўриб кўзимиз равшанлашгандек бўлди. Бехато униб чиққан ниҳоллар ер юзини бирдай қоплаган. Билсак, бу «Ангрен» ширкатлар уюшмасининг Карим Кўчқоров бошлиқ пудрат асосида ишлаётган оиласига тегишли экан. Оила аъзолари ўтган йили кузда 9 гектар ерга буғдойнинг «Скифянка» навини экиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил олишибди. Режадан ортиқча 6,5 тонна ғалланинг ярми ижарачиларнинг ўзларига берилди. Қолганига эса, қарийб 52,5 минг сўм нақд пул олишган.

Долзарб мавзу

Йил давомида тўланган иш ҳақи, харажатларни қисқартиришдан келган даромад бу ҳисобга кирмайди.

— Мўл ҳосил етиштиришнинг сири нимада, — сўраймиз Карим Кўчқоровдан.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди у. — Фақат ҳалол, виждонан меҳнат қилиш, ишлаганда ҳам ишни кўзини билиб меҳнат қилиш, яъни ерни алдамаслик керак. Бу нима дегани? Аввало ерни сифатли шудгорлаш, унумдорлигини оширишдир. Кейин қайси томондан суғорилишини ҳисобга олиб, ерни яхшилаб текислаш лозим. Агар пайкал паст-баланд бўлиб қолса, ўсимлик сувдан ҳам, ўғитдан ҳам етарли баҳраманд бўлолмайди. Қўллаган ерлардаги ғаллани гоҳо сув эзиб қўйса, гоҳо ғовлатиб юборади. Сув ва ўғит етиб бормаган ердаги экиннинг аҳволи қандай бўлишини айтиб ўтмаса ҳам бўлади.

Агар кўчат тўла бўлиб, у кўнгилдагидек парваришланса бизнинг шароитимизда 40-45 эмас, 50 центнердан ошириб ғалла ҳосили олиш мумкин. Мен шунга амин бўлдимки, ҳар йили ҳам дон етиштиришда гоҳо табиат инжиқликлари, гоҳо ўзимиз билиб-билмай қилиб қўйган хатоликларимиз туфайли юқори ҳосил ололмай қоламиз. Энг асосийси — ўша хатоларни таҳлил этиш, қайтарилмаслигига эришишдир. Ана шунда ҳосилдорлик ҳам, оладиган даромадимиз ҳам ортиб бораверади.

«Ангрен» ширкатлар хўжалигида бундай тажрибали ғаллакорлар кўп. Хаитқул Шомирзаев, Неъмат Ҳамроқуловлар шулар жумласидандир. Уларнинг тадбиркорликлари туфайли бу хўжаликда йил сайин ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 457 гектар суғориладиган ернинг ҳар гектаридан ўртача 37 центнердан ҳосил олинди. Жами тайёрланган 1743 тонна ғалланинг 1533 тоннаси давлатга сотилди. 53 тонна буғдой одамларга тақсимлаб берилди. Ғаллачиликдан 16 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда эса 2 миллион сўмдан ошди.

Шунингдек, тумандаги «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти ғаллакорлари ҳам 835 гектар суғориладиган ерлардан гектар бошига 36 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлишди. Муҳиддин Кўшоқов, Анвар Жалоловлар бошлиқ жамоаларда ҳосилдорлик 52-54 центнерни ташкил этди.

Оҳангаронлик ғаллакорлар бу йил илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, ерга уруғ сепишдан тортиб то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган агротехник тадбирларни намунали адо этиш орқали келгуси йил ғалла хирмонини янада юксак бўлишини таъминлашга аҳд қилишган. Бунга барча асослар бор. Яхшилаб шудгорланиб, маъданли ҳамда маҳаллий ўғитлар билан бойитилган ва кўнгилдагидек текисланган ерларга дастлаб тушган барака уруғи ям-яшил бўлиб тобора кўкка бўй чўзмоқда. Айни кунларда сўнгги пайкалларга ғалла экилаётир.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

18 октябрь — Озарбойжон Республикаси давлат мустақиллиги куни

АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ЮРТ

Озарбойжон халқи бу йил давлат мустақиллигининг 7 йиллигини нишонлайди.

Озарбойжон учун мустақилликнинг дастлабки йиллари анча оғир кечгани маълум. Бир неча йил давом этган сиёсий беқарорлик мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди.

Ҳокимият тепасига Ҳайдар Алиевдек тажрибали сиёсатчи келгач, талотўплар ҳовури тиниб, мамлакатда туб сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Қисқа вақт ичида Озарбойжон иқтисодий барқарорлик йўлига тушди.

Ўтган якшанба куни Озарбойжонда президент сайлови бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг тўртдан уч фоизи катта ишонч билан Ҳайдар Алиевга овоз берди. Озарбойжон Марказий Сайлов комиссияси раиси Ориф Ҳусейновнинг маълум қилишича, сайловда турли халқаро ташкилотларнинг 200дан ортиқ вакили кузатувчи сифатида қатнашган. Тадбир халқаро андозалар талабига мос тарзда, сайловчиларнинг тўлиқ фаоллигида ўтган.

Озарбойжон МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодий салоҳияти юксак республикалардан биридир. Унинг ер ости заҳираларига бойлиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожлангани бундай дейишга сабаб бўлади. Озарбойжон ёқилғи заҳираларига бойлиги билан дунёда олд ўринларда туради. Бироқ, тўрт йиллик бесарамжонлик ва сиёсий беқарорлик ана шу имкониятларни тўлиқ ишга солишга халал бериб келди. Фаровонликка эришиш учун эса, аввало, осойишталик зарур. Буни ҳозир ҳар бир озарбойжонлик теран англайди.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқаларга тўхталадиган бўлсак, ўзаро муносабатларимиз узоқ даврга бориб тақалади. Қадимий буюк ипак йўли орқали халқларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар равнақ топган. Истиқлол туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янгича рухда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида 1991 йилнинг ўзидаёқ давлатлараро муносабатларга асос солувчи бир неча муҳим ҳужжат имзоланган.

Икки томонлама муносабатлар тарихида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1996 йилда Озарбойжонга буюрган расмий ташрифи муҳим ўрин тутади. Мазкур сафар асносида давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. 1997 йилда эса Озарбойжон президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Умуман икки давлат ўртасида 40 дан зиёд ҳужжат имзоланган. Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво, автомобил ва темир йўли алоқалари, солиқ, божхона, юк ташиш, сайёҳлик доирасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири коммуникация соҳасидир. Айниқса, Трасека лойиҳасини амалга ошириш, яъни, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлайдиган йўлакни барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар икки қардош мамлакатнинг иқтисодий муносабатларини янада ривожлантирмоқда. Бу борада, 1996 йили Эроннинг Сарахс шаҳрида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия ўртасида имзоланган ҳужжат коммуникация соҳасидаги катта силжишлардан бири бўлди. Қолаверса, Марказий Осиё ҳамда Кавказорти мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ЭКО доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаётир. Бунда Ўзбекистон билан Озарбойжон, шунингдек, ташкилотга аъзо бошқа мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳам коммуникация тармоқларини, савдо алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари Кавказорти республикаларига ташрифи чоғида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг мустаҳкамланишида халқаро Транскавказ йўлагининг барпо этилиши муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаган эди. Ислом Каримов ушбу масалага тўхталар экан, Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр эканини айтганди. Сабаби Ўзбекистоннинг Европага чиқиши учун Озарбойжон портлари қулай воситадир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда «Электрон», «Кондиционер» ва «Елвин-М» сингари ўнлаб Ўзбекистон — Озарбойжон қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти электр жиҳозлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланади. Айни кунларда, яна иккита қўшма корхона очиш режалаштирилмоқда. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва «Озарбойжонкимё» концерни, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва «Озарнефткимёмаш» концерни ташаббуси билан барпо этилаётган мазкур корхоналар, асосан, плёнка, елим буюмлар ҳамда нефтгаз саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Озарбойжонда эса ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда электр двигателларни таъмирлайдиган корхона қурилмоқда.

Аброр ҚИЛИЧЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ДАККА. Жаҳон банки ва халқаро валюта жамғармаси сув тошқинларидан катта зарар кўрган Бангладеш иқтисодиётини тиклаш учун 200 ва 130 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ етказиб беришга қарор қилди. Бангладеш Молия вазири Шоҳ Кибриё шундай деди.

Халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағ Бангладеш давлат бюджети камомадини қоплаш, табиий офат асоратларини бартараф этиш ва мамлакат иқтисодиётини тиклашга сарфланади.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Бангладеш иқтисодиёти сув тошқинидан 3,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

* * *

ТБИЛИСИ. Грузия давлат вазири Важа Лордкипанидзе Абхазия етакчиси вакили Анри Жергения билан учрашиб, Абхазия можаросини бартараф этиш бўйича 16 октябрда бошланажак музокаралар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, музокаралар Греция пойтахти — Афинада бўлиб ўтади. Унда қочқинларни ватанига қайтариш, можаро юз бераётган ҳудудда хавфсизликни таъминлаш ва Абхазиянинг сиёсий мавқеини белгилаш каби масалалар кўриб чиқилади.

* * *

ВАШИНГТОН. Белградда АҚШ Президентининг махсус вакили Ричард Холбрук билан Югославия президенти Слободан Милошевич ўртасидаги музокараларда Косово можароларини тўхтатиш борасида эришилган келишув БМТнинг 1199 сонли қарорига тўла мос келади. АҚШ президенти Билл Клинтон шундай баёнот берди.

Б. Клинтоннинг таъкидлашича, келишувга биноан, С. Милошевич мамлакатдаги сиёсий инқирозни тезда бартараф этиш ҳамда минглаб қочқинларни ўз юртига қайтаришга қаратилган тадбирларни ўтказади.

* * *

УММОН. Бу ерда Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху ва ташқи ишлар вазири Ариел Шарон билан Иордания ҳукумати раҳбари Фоиз Таровун ҳамда Иордания тахти вориси — шаҳзода Ҳасан ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқ муаммолари, хусусан, Исроил-Фаластин мулоқоти юзасидан фикрлар алмашилди.

* * *

ПЕКИН. БМТ ҳузуридаги Жаҳон озиқ-овқат дастури Хитойнинг сув тошқинларидан зарар кўрган Хунан вилояти аҳолисига ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Яқин кунларда бу ерга жами 28 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг ёзида Янцзи дарёсида юз берган сув тошқини натижасида Хунан вилояти жуда катта иқтисодий зарар кўрган эди.

* * *

КИЕВ. Нигерия Федератив Республикаси Ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Алхожи Бухоро Бала раҳбарлигидаги делегациянинг Украинага икки кунлик амалий ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, Нигерия делегацияси аъзолари билан Украинанинг қатор вазирликлари раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ДУШАНБА, 19

ЎЗТВ I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба 19 октябрь куни «Ўзбекистон»-1 телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача «Халқаро»-4 телеканали орқали намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Велосипед қочиб четди». Мультфильм.
18.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Ахмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига. «Аҳмад ал-Фарғоний Мисрда».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу». Маърифий кўрсатув.
21.35 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.25 «Сиёсат оламида».
22.45 «Дунё қўшиққа тўлсин». Илҳом Фармонов.
23.10 «Саҳна ҳаёти».
23.35 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Ким эпчил-у, ким чаққон?, Мультфомоша).
18.45 Сурур. Мусиқий дастур.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Ақл ёшдамас». Рассом Алишер Тўлаганов.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 «Буюк юрт фарзандиман». Банк хизматида ишловчи Шухрат Ўринбоев ҳақида.
21.05 Танишинг: Тошпўлат Маткаримов.
21.25 «Нигоҳ». Ёшлар қийинчиликка бардош бера оладими?
21.40 Араб эстрадаси.
21.55 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Боши берк кўчада». Жангари фильм.
23.55 Спорт-қитъаси.
00.25 Хайрли тун!

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Мухлис-ТВ.
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Дилором наволар.
20.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 Минг бир ҳикмат.
22.00 Телефакт.
22.10 ТТВ-мюзик.
22.30 «Янги иқтисод».
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
00.40 Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎЗТВ IV

* * *

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Жаҳон спорти».
9.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.35 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
13.05 Каратэ. «Мустақиллик-98». Халқаро турнири.
13.35—14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.

* * *

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Кўзмунчоқ».
*
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Мавсум премьераси: «Қасдлашиб» сериали.
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Вақт ҳазинасидан».
21.40 «Шлягер».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: Жеки Чан «Ҳукмронлик белгиси» фильмида.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25—00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 20

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Эстрада тароналари.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент таровати».
9.15 «Имом ал-Бухорий». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Соҳиб олами».
10.55 «Диёр». Тележурнал.
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 Кундузги сеанс. «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
13.30—14.00 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Тилимиз ҳам Ватандир».
18.45 «Қизилқум мўъжизалари».
19.05 «Кинонинг минг бир олами».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.25 «Миллий таълим уфқлари».
22.50 «Пахтакорлар, Сизлар учун!». Мусиқий дастур.
23.30 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Қувноқ учрашув, Мультфомоша).
18.45 Ёшлик формуласи.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ғазал соғинчи.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Ёшлик бебошликми?.. Криминал хроника.
20.40 15 дақиқа спорт ҳақида.
20.55 Болливудга нигоҳ.
21.15 «Меҳр кўзда». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланади.
21.45 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Очун. Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланади.
22.40 Синема. «Тасбеҳлилар қотили». Детектив. (Англия).
00.10 Спорт-қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Морт ва Фил». Мультсериал.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Спорт оламида».
22.15 «Бешинчи ўлчов».
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Тунги сеанс. «Оқ ажал». Бадиий фильм.
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Моҳир».
*
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Қасдлашиб» сериали.
20.00 «Время».
*
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Москва) — «Реал-Сосьедад» (Испания). Танаффус пайтида катталар учун мультфильм.
*
23.00 «Таъзим».
23.15 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
24.00 «Вести».
00.35 Кинематограф: Ирина Метлицкая «Жаллод» фильмида. 1-қисм.
01.50 «Ахборот» (рус тилида).
02.15—02.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 21

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Саньатим — муҳаббатим». Мусиқий дастур.
8.55 «Фан ва тараққиёт».
9.15 «Имом ал-Бухорий». Видеофильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.55 «Банкордан Сиднейгача». Спорт дастури.
11.10 «Акс садо».
11.40 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.05 Кундузги сеанс: «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.
13.30—14.00 Лирик тароналар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Солиқ ва назорат».
18.45 «Бир наво истар кўнгил». Шуҳрат Дадажонов.
19.05 «Тилга эътибор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ижодкор олами». Премьера.
21.35 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.35 «Тунги ҳамроҳ»:
«Дунё кўриб, дунёлар ярат».
«Болалигим сени соғиндим».
«Ешлар ва эстрада».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Ўйна, болажон ўйна, Мультфомоша).
18.45 Ўзбекистон — немис талабалари нигоҳида.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ракурс. Шоир Усмон Азим.
19.45 Танишинг: «Хит шарқ» гуруҳи.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 23.00 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.55 Авторейд.
21.05 Эркин фикр. Фидойилик.
21.20 Спектаклдан сўнг. Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланади.
21.40 Ёшлик наволари.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Шу куннинг мавзуси.
22.40 Хит-коллекция.
23.05 Футбол. УЕФА кубоги.
00.35 Ҳаммаси мода ҳақида.
00.45 Хайрли тун!

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳза.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Ўзбекистон фани».
20.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Менинг Тошкентим».
22.20 «Учрашув». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасоли Юсупов.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Видео—«О».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Телешифокор».
*
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Қасдлашиб» сериали.
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дунёқараш».
21.40 «Дурдоршан».
22.00 «Вести».
*
22.30 Халқаро мусиқа фестивали.
22.50 Кинематограф: Ирина Метлицкая «Жаллод» фильмида. 2-қисм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида).
00.45—00.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 22

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
9.05 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бизни кутар нурли манзиллар».
10.30 «Инсон ва қонун»га хатлар.
10.50 «Созга солдим Алломишни».
11.15 Болалар учун. «Остонадан бошланар дунё».
11.40 «Зийнат».
12.05 «...достоннинг давоми». Кинокомпозиция.
12.20 Кундузги сеанс. «Тақдири азал». Бадиий фильм.
13.25 «Сўғдиёна-98». Халқаро авторалли пойраси олдидан.
13.45—14.00 «Осойишталик гарови».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Саньат ғунчалари».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Қонун ва ижро».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ўзма-ўзи».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назорат».
21.20 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
22.10 «Меҳрибоним онажон». Мусиқий композиция.
22.40 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Сомон йўли».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ўй вазифаси», Мультфомоша).
18.45 Мезон.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ешлик наволари.
19.35, 20.25, 22.40 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Баҳс, мунозара, таҳлил. Тарихни англаш.
20.50 «Ешлар» телеканали ва «Ўзбектелефильм» премьераси. «Бухоройи Шариф» достони. Биринчи фильм. 1-қисм.
21.25 Иймон. Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланади.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.45 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.15 Хайрли тун!

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Усто». Тепелавха.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Ривоят».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.50 «Куйла, ёшлигим». Лариса Маскалева.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Қасдлашиб» сериали.
20.00 «Время».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Футбол. Кубок эгалари кубоги. 1/8 финал. «Локомотив» (Москва) — «Брага» (Португалия). Танаффус пайтида катталар учун мультфильм.
*
23.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
23.45 «Глинка-44».
24.00 «Вести».
00.30 «Кино сайёраси».
00.50 Софи Лорен «Ғаройиб кун» фильмида (Италия).
02.30 «Ахборот» (рус тилида).
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 23

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Тоғлар тароналари». О. Одиҳонов.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Жавоҳирлар дунёси».
9.15 «Имом ал-Бухорий». Видеофильм. 4-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кетмас давлат версия».
10.30 Немис тили.
11.00 «Юртим жамоли».
11.20 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
11.45 «Кафолат».
12.05 Кундузги сеанс: «Отни ким эгарлайди». Бадиий фильм.
13.15 «Маржон». Телевизион клуб.
14.10—14.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Икки жин». Мультфильм.
18.20 «Ислоҳот ва масъулият».
18.40 «Саньат дўстлиққа чорлайди». Мусиқий дастур.
19.05 «Шаҳар бедарвоза эмас».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Буюк муҳаддис». **Имом ал-Бухорийнинг юбилейи тантаналари.** Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади.
22.20 «Мумтоз қўшиқлар».
22.40 Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига. «Имом ал-Бухорий». Видеофильм премьераси. 5-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 Футбол бўйича Осиё кубоги эгалари кубоги. «Пахтакор» — «Ниса» (Туркманистон). 2-тайм.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Умид чечаклари», Мультфомоша).
18.45 Ислом ва ёшлар. Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланади.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Шабнам.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Автосалтанат.
20.40 Бизнес доктор.
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.20 Интерспорт.
21.40 «Тўёна». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Шарқ эстрадаси.
22.40 Синема. «Дил» (Ҳиндистон). 2-қисм.
00.10 Спорт-қитъаси.
00.40 Мунаввар тонг истаб.

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Нурли мавж».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туйғуларим».
20.05 «Бу — джаз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Онагинам».
22.05 «Жозиба».
22.25 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм.
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Масхарабозлар». Бенни Хилл.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.40 «Ҳаёт карвони».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» совриндорлари анталогияси».
22.50 «Юввош одам». Бадиий фильм. (1951 йил).
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15-01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 24

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Хатларда ҳаёт акси».
9.35 «Имом ал-Бухорий». Видеофильм. 5-қисм.
10.20 «Шоҳрух» клуби.
10.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин». Автотранспорт ходимлари кунига.

«Умид» намойиш этади:

11.00 «Мардлар кўриқлайди Ватанни».
11.30 «Болаларга бахшида умр».
11.50 «Билим-ринг».
*
12.30 Теннис бўйича Сателлит. «Буюк ипак йўли». Халқаро турнири.
12.50 Телевизион миниатюралар театри.
13.25 «Ҳаёт рисоласи».
14.05-14.35 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига. «Шарқдан нур». Видеофильм.
18.20 «Тафаккур ва тақдир».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 **Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган театрлаштирилган томоша.** Фарғона шаҳридан олиб кўрсатилади.
22.45 «Келин-куёв». Телешоу.
23.40 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.10 «Мусиқий соёҳат».
00.30 Бадиий фильм.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади. (Қувноқ учрашув, Бўш ўтирма).
9.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
9.55 Ешлик формуласи.
10.10 «Ракурс». Шоир Усмон Азим.
10.35 Мусиқа теграсида.
10.55 Нигоҳ.
11.10 «Очун». Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланади.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.35 «Меҳр кўзда». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланади.
12.05 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.50 Цирк, цирк, цирк.
13.20 Жаҳон жўғрофияси.
14.10 Таниишинг: Тошпўлат Маткаримов.
14.30 «Синбад». Телесериал.
15.15 Шу куннинг мавзуси.
15.35 Синема.
17.10 Хит-коллекция.
17.30 Спорт-қитъаси.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Болонинг тили, Мультфомоша).
18.45 Дилором наволар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Мусиқий хиёбон.
19.35, 20.25, 23.05 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 Сир.
20.45 Бизнес-академия.
21.05 Ирик планда. Жемми Ли Кёртис.
21.20 «Ешлар» телеканали ва «Ўзбектелефильм» премьераси: «Бухоройи Шариф» достони. Биринчи фильм. 2-қисм.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Интерфутбол.
22.40 Кўнгил кўнгилга лайванд.
23.10 Синема. «Ростакам ёлғон». Бош ролларда Жемми Ли Кёртис ва Арнольд Шварценеггер.
00.50 Хайрли тун!

ЎЗТВ III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
8.20 Дилором наволар.
8.35 «Ханда дўкони».
8.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.55 Болажонлар экрани.
11.30 «Хамшаҳарлар».
12.00—12.45 «Бева Бланка». Телесериал.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерил

Мардлар қўриқлайди Ватанни



ЙИГИТЛАР АСКАРЛИККА ОТЛАНДИЛАР

БИЗ Тошкент вилояти ҳарбий хизматга чақирув ва жўнатиш манзилгоҳига борганимизда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлимига қарашли «Сарбон» гуруҳининг дилрабо куй-қўшиқлари йиғилганлар дилига хушнудлик бахш этарди. Майдон гавжум. Бу ерга ота-оналар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига муддатли хизматга юбораётган азиз фарзандларига оқ йўл тилашга тўпланишган. Улардан айримларини суҳбатга тортдик.

— Неварам Умаржонни кузатяпман, — дейди ғурур билан Янгийўл шаҳридан келган отахон Собиржон Алимов. — Худога шукр, 29 нафар неварам бор. Бунисиси — иккинчиси. Мустақил диёримизга хизмат қиламан, дейди. Беҳад севиндим. Ватан — муқаддас бешик, болам. Аждодларимиз шу ерда ўсган. Шу азиз тупроқ фарзандлари уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ҳам қодир бўлиши керак. Бу туйғуни Умаржон яхши илғаган. Умридан барака топсин...

Сал нарида дарахтлар тагида турган ўрта ёшли аёлга яқинроқ бордик. Ўзини Қудрия Минишина деб таништирган опа Қуйичирчиқ туманидан экан. Мулоқотимиз давомида ўғли Эминжонни таърифлаб кетди:

— Тўғри сўз, камтар, меҳнатсевар. Йигитлик бурчини ҳалол ўтаб келишига тўлиқ ишонаман. Ҳарбий хизмат ёшига етганидан суюниб турибман, янада чиниқиб, ҳаёт мактабини кўриб қайтади, — дейди она.

Ота-оналар суҳбатидан мамнун бўлган ҳолда қўшин сафига чақирилувчиларнинг саломатликлари билан ҳам қизиқдик.

— Бўлажак аскарларимизнинг соғлиқлари рисоладагидек, — деди тиббий текширувдан ўтказувчи бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор-терапевт, капитан Давлатмурод Худойберганов. — Ёшларимиз жисмонан бақувват, руҳан тетик. Ватан ҳимояси ишончли қўлларда десак, асло янглишмаймиз.

...Соат 10.00. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун тантанали маросим бошланди. Сўз вилоят Мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Раҳматулла Тошхўжаевга берилади.

— Ҳурматли ота-оналар, азиз фарзандлар, — деди у. — «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга асосан шу ерда тўпланиб турибмиз. Унутмангки, биз Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалар авлодимиз. Аждодларимиз ўз Ватанини ҳимоя қила олиш қудратини кўрсатганлар. Ўзбекистон сарҳадлари даҳлсизлигини, халқимиз осойишталигини таъминлашга қурбимиз етарли. Ҳарбий хизмат замонавий техникаларни ўрганиш, машқларда чиниқиш, доимо ҳушёр ва шай туриш, биргаликда дўстона ҳаракат қилиш барча қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Бунга салоҳиятингиз етишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Чақирув манзилига тўпланган йигитларни уруш қатнашчиси, фахрий генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев ҳам табриклаб, уларга бурчларини бажаришларида муваффақиятлар тилади.

Тантанада вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Муродулла ҒАФУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Суратқашимиз Даврон АҲМАД ушбу лавҳаларни вилоят чақирув манзилгоҳида тасвирга туширган.

Тантанали йиғилиш пайти; бугун илк бор аскарларча қадам ташлаётган бу йигитлар эртага Ватаннинг ҳақиқий посбонлари бўлиб етишадилар; бу ерда ота-оналар, ёшлар ва зобитларнинг учрашувлари ҳамиша қизғин таассуротларга бой бўлади.

Бу турфа олам

БАҚАЛАР КАЙФ ОСТИДА

➡ БУ ҲОДИСА Литвадаги Юсявичи қишлоғида содир бўлди. Шу ерда истиқомат қилувчи деҳқон Мария Окушкене яйловга бойлаб қўйган говмуши олдига келганида юзлаб бақалар сигирни ҳамма томондан ўраб бўлиб, ўзларини ғайритабиий тутардилар.

Бир нечта бақа Марта лақабли бу сигирнинг думига ёпишиб, арғимчоқ учарди, бошқалари унинг устига чиқиб олиб, ўзларига хос бўлмаган товушлар чиқарарди, биттаси сигирнинг елинига етиш учун тўхтовсиз сакрарди...

Телефон орқали чақирилган миршаблар резина таёқлари билан ҳаддидан ошган жониворларни «ўзига келтирдилар», бир нечтасини текшириш учун олиб кетдилар. Шунда бақалар ҳаддан ташқари маст эканлиги маълум бўлди. Бунинг сабаби ҳам аниқланди. Бундан бир неча кун илгари солиқ нозирлиги ходимлари сал кам 22 минг шиша алкоголь ичимликлар — виски, коньяк, шаробни бақалар яшайдиган ховузга ташлаган эдилар.

УЗОҚ УМР КЎРГАНЛИГИНИНГ СИРИ

➡ 91 ЁШЛИ Ене Линдгрен Даниянинг Эбелтофт шаҳрида яшайди. Шунча ёшга борганига қарамай ҳамон бардам, тетик, ҳаёли жойида, кўзи ўткир, 32та нуқра тишлари ярқираб турипти.

Ене ўзининг шу ёшига қарамай, соғломлиги сабабларини айтар экан, ўргимчаклар ёрдам бераётганлигини уқтирди. У ёшлигидан бошлаб ўз таомига шундай ҳашоратни қўшиб тановвул қилар экан. Ўша вақтда швед табиатшуноси Карл Линней (1707 — 1778 йиллар) ёшлигидан уй ўргимчакларини еб, узоқ яшаган ва фанга катта ҳисса қўшганлиги ҳақида ўқиган. Ене ҳам ҳар куни иккита-учта ўргимчаклар истеъмол қилган. Линдгрен ўргимчаклар алоҳида таркибдаги тез ҳазм бўладиган оқсил манбаидир, дейди.

«ЎЛИМ МУЗЕЙИ»

➡ МЕКСИКАЛИКЛАР дам олиш кунлари музейларга боришни хуш кўрадилар. Зеро, бу мамлакатда шундай муассасалар тўлиб-тошиб ётипти. Ҳукумат ташриф буюрувчиларга енгиллик туғдириш мақсадида байрамлар ва якшанбаларда музейларга киришни бепул қилиб қўяди. Бироқ, бунисига кириш текин бўлсада ҳамма ҳам қадам ранжида қилавермайди. У яқинда Керетаро штатининг Сан-Хуан-дел-Рио шаҳарчасида очилди. «Ўлим музейи» эски қабристон ҳудудида жойлашган. Унинг экспонатлари Мексикада қадимги замонлардан то бизнинг кунларгача дафн этиш маросимлари ҳақида ҳикоя қилади.

Об-ҳаво

ЎЗГАРИШ КАТТА ЭМАС

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг маълумотига қараганда, пойтахт ва Тошкент вилоятида 17-21 октябрь кунлари ҳарорат деярли ўзгармайди. Кечалари 6-11, кундуз кунлари 22-25 даража иссиқ бўлади. Бироқ, ҳафтанинг ўрталарига бориб, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Охирги кунлар ҳарорат кечаси 3-8, кундузлари эса 18-23 даражага тушади.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

XIII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Миллий Олимпия қўмитасида XIII Осиё ўйинларига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Бу ўйинлар шу йил 6 декабрдан 20 декабрга қадар Бангкоқда ўтади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистондан 341 спортчи бу ўйинларда спортнинг 26 тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Футбол бўйича Ўзбекистон Миллий терма командаси Бангкокда ўтадиган Осиё ўйинларида 1994 йилги Осиё чемпиони номини ҳимоя қилиши керак. Қуръа ташлаш натижасида команда гуруҳига тушди. Непал, Мўғулистон ва Қувайт спортчиларимиз рақиби бўлади.

Миллий Олимпия Қўмитаси «Осиё Интур Бизнес» акциядорлик жамияти билан биргаликда спортчиларимизни қўллаб-қувватлайдиган гуруҳни тузмоқда — Ўзбекистондан 400га яқин турист XIII Осиё ўйинларини томоша қилиши мумкин.

ЎзА.

21 МАҒЛУБИЯТДАН КЕЙИНГИ ҒАЛАБА...

FUTBOL BO'YICHA O'ZBEKISTON MILLIY CHEMPIONATI • 1998 •

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси 7-миллий чемпионати Олий табақа жамоаларининг баҳси якунига яқинлашиб қолди. Чемпионатда медаллар даъвогарлари деярли аниқ. Улар «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор».

Олий табақани тарк этувчи 2 жамоа ҳам аниқ. Улар «Косонсой»нинг «Косонсой» ва энди собиқ «чемпион» МҲСК жамоаларидир. Шундай бўлишига қарамай кунигача ўтказилган 26-тур ўйинларида МҲСК ўз майдонида кучли олтиликка кириш учун даъвогарлик қилаётган Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилиб 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. 1-бўлимнинг 34-дақиқасида армиячи Эрик Сатторов ҳисобни очди. Лекин мезбонлар биринчи бўлимда ўз дарвозаларини даҳлсиз сақлаб қололмадилар. Бўлимнинг сўнгги дақиқасида Отабек Шомуродов жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди ва ҳисобни тенглаштирди. 2-бўлимда ҳам армиячилар рақиб дарвозаси томон кетма-кет ҳужум уюштириб, хавфли ҳолатлар яратган бўлсалар ҳам, фақатгина бир маротаба дарвозани ишғол қила олдилар. Ўйиннинг 88-дақиқасида Бобоев армиячиларга биринчи ғалабани келтирган тўпни киритди. МҲСК жамоаси кетма-кет 21 мағлубиятдан сўнг ғалаба нашидасини татиб кўрди.

Вилоятимиз вакили «Дўстлик» ўз майдонида кучли олтиликка даъвогарлик қилаётган «Бухоро» жамоасини қабул қилди. Ўйинда майдон эгалари ҳужумкорлик руҳида тезкор ҳаракатлар қилиб йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. «Дўстлик»нинг моҳир ҳужумчиси Абдуқаҳҳор Маъруфалиев рақиб дарвозасини уч маротаба ишғол қилиб, «хет-трик»га эришди. Майдон эгалари рақиб дарвозасини яна икки маротаба аниқ нишонга олдилар. «Бухоро» жамоаси 1та жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлди. Ўйин 5:1 ҳисобида «Дўстлик» ғалабаси билан якунланди. Улар ўз очколари сонини 34 тага етказиб олдилар. Вилоятимизнинг 2-вакили, бу йилги чемпионат дебютанти Бекободнинг «Металлург» жамоаси Косонсойда майдон эгаларига қарши ўйнаб, учрашувни ғалаба билан якунлашга муваффақ бўлдилар. Улар майдон эгалари дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар. Чемпионат пешқадами «Пахтакор» Навоийнинг «Зарафшон» жамоасини қабул қилди. Маълумки улар 9 октябрь куни Осиё Кубок эгалари Кубоги мусобақасида Туркманистоннинг «Нисса» (Ашгабад) жамоасига 5:0 ҳисобида ўйинни бой берган эдилар. (Жавоб учрашуви Тошкентда 23 октябрда ўтказилади). Кечаги учрашувда эса ўйиннинг бошиданоқ майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олиб, 4-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Тўп муаллифи тўпурарлар баҳсида карвонбошилик қилаётган Миржалол Қосимов бўлди. 1-бўлим давомида майдон эгалари рақиб дарвозасига яна 3та тўп киритиб, ҳисобни 4:0 етказдилар. Пахтакорчилар 2-бўлимда ҳам ҳужумга зўр бериб «Зарафшон» жамоаси дарвозасига яна 4та тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ўйин 8:0 ҳисобида «Пахтакор»нинг йирик ғалабаси билан тугади. Игорь Шквирин ҳам бу учрашувда 3та тўп киритиб, «хет-трик»га эришди. Унинг киритган тўплари 14тага етди. Азамат Абдураимов 2та тўп киритиб, ўз ҳисобидаги тўплар сонини 15тага етказди. Мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Андижон» жамоасини қабул қилиб 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар ва очколар сонини 59тага етказиб, «Пахтакор»га яқинлашиб олдилар. Тошкентнинг «Трактор» жамоаси билан «Темирйўлчи» ўртасидаги учрашув 3:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади. «Насаф» — «Сўғдиёна» учрашуви кескин курашлар остида ўтган бўлса ҳам ҳисоб очилмади (0:0). Жадвалда 3-ўринни эгаллаб турган «Навбаҳор»нинг «Хоразм» жамоаси билан учрашуви наманганликларнинг Ҳиндистонга сафарга жўнаганликлари муносабати билан 24 октябрга кўчирилди. 27-тур ўйинларида вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» «Насаф» билан, «Металлург» эса «Навбаҳор» билан куч синашади. Пешқадамни қувиб бораётган «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Бухоро»ни қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

XXVI-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ ҚУЙИДАГИЧА:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	23	19	3	1	81-22	60
2. «Нефтчи»	25	18	5	2	69-23	59
3. «Навбаҳор»	25	15	5	5	54-28	50
4. «Сўғдиёна»	26	14	13	9	48-37	45
5. «Темирйўлчи»	26	12	4	10	44-53	40
6. «Бухоро»	26	11	4	11	42-42	37
7. «Сурхон»	26	11	3	12	47-52	36
8. «Насаф»	25	9	8	8	34-28	25
9. «Андижон»	26	10	4	12	52-49	34
10. «Зарафшон»	26	10	4	12	34-51	34
11. «Дўстлик»	25	8	10	7	46-35	34
12. «Хоразм»	25	9	6	10	33-44	33
13. «Трактор»	26	8	7	11	35-45	31
14. «Металлург»	26	7	6	13	32-47	27
15. «Косонсой»	26	2	4	20	27-63	10
16. МҲСК	26	1	4	21	21-86	7

ЯНА МАККОР БЎРИ ҲАҚИДА

Овчи мулоҳазалари

БИЗНИНГ вилоятимиз шароитида бўридан хавфлироқ ваҳший ҳайвон йўқ. Улар 35-45 килограмм вазнда бўлишларига қарамай туёқли жониворларга ниҳоятда кўп талофат етказади. Шуни айтиш кифояки, ўлжасини таъқиб қилаётганида ва қочаётганида соатига 45-50 километр, ҳатто 75 километр тезликда югуради. Улар кичкина бўлишларига қарамай ниҳоятда бақувват ва қонхўрдир. Шундай воқеани эслашади. Катта бўри йирик қўйни бўғизлаб ўлжасини қўтон атрофи ўраб қўйилган бир ярим метр баландликдаги девордан ошириб ўтиб кетган. Бешта бўри бир пайтнинг ўзида ўзлари бўғизлаб ўлдирган уч ёшли ва вазни 80 килограмм атрофидаги тўнғизни паққос туширган.

Бизнинг вилоятимизда ўзининг қонхўрлиги билан бу махлуқларга тенглаша оладиган бошқа ваҳший ҳайвонлар йўқ. Улар чорвачиликка ҳам катта зарар етказмоқда. Айни вақтда ёввойи туёқли ҳайвонлардан кийик, тоғ қўйи ва эчкиси ҳамда тўнғизларга ҳам қирон келтирмоқда.

Ўрмон минтақаларида ва тоғларда тирик мавжудотга қанчалик зарар келтираётганлиги деярли ҳисобланмайди. Ваҳоланки, кейинги йилларда бу ваҳшийларни ов қилиш камайиб кетганлиги туфайли вилоятимизнинг тоғли минтақаларидаги туёқли ҳайвонлар сони кескин камайиб кетди.

Бўрилар аҳоли манзилгоҳлари атрофида ҳам ҳаддидан ошмоқда. Бизга республика давлат биология назоратида айтишларича, биргина юқори Пском қишлоғида бу йил туғилган тойларнинг 70 фоизи уларга гўшт бўлган. Жорий йил бошидан бери эса шу қишлоқ аҳолисига қарашли 18 бош сигир, 9та бузоқ, 11та от, 21та той, бундан ташқари 32 бош қўй ва эчкиларни бўғизлаб кетганлар. Куйи Пском қишлоғи аҳолиси ҳам бўрилар дастидан нолимоқдалар. Чунки, улар йил бошидан бери ўзларининг 7 бош отлари, 13та тойлари, 8та сигирлари, 11та бузоқлари ва 7та қўй-эчкиларидан маҳрум бўлдилар. Биз фақат 2та қишлоқ аҳолиси чорвасига бўрилар томонидан келтирилган зарарни айтдик. Тоғли ва ўрмон минтақаларида бундай қишлоқлар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам чорвасига етказилаётган зарарнинг катталигидан шикоят қилмоқдалар.

Кўриниб турибдики, бўриларга қарши кураш пухта ва кенг ташкил этилмаса, уларнинг чорвачиликка етказаётган зарари кўпайса кўпаядики, лекин камаймайди. Шу ерда ҳар бир ваҳший умри давомида ўртача қанча гўшт ейишини келтирмоқчиман. Бир кунда ҳар бир бўри ўрта ҳисобда 4 килограмм гўшт ейди. У 10-15 йил яшайди. Шу даврда қанча гўшт ейишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бир йилда у ўрта ҳисобда 1 тоннадан ошикроқни ташкил этади.

Бундан бир неча ўн йиллар илгари бўриларнинг ижобий роль ўйнаши ҳақидаги фикр ҳукмрон бўлган эди. Бамисоли бу ваҳшийлар касалланган ва ҳолсиз ҳайвонларга қирон келтириб, санитария хизматини бажарар эмиш. Ҳатто бўриларни овлаш ҳам деярли ман қилиб қўйилганди. Масалага шундай нотўғри муносабатда бўлиш оқибатида бўриларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Эндиликда улар республикамизнинг бутун ҳудудига тарқалган. Бунинг устига бўрилар кўп болалайди. Баҳордан кузгача уларнинг сони икки-уч баробар ортади. Ҳар бир она бўри олтитадан бола туғади. Уларнинг деярли ҳаммаси сақланиб қолмоқда. Чунки, бўри болаларини овлаш ҳам деярли тўхтатиб қўйилган.

Эндиликда бу ваҳшийларга нисбатан муносабатни ўзгартириш лозим. Ҳамма жойда уларга қарши курашни кенг йўлга қўйиш лозим. Маълумки, илгари бўриларга қарши кураш рағбатлантириларди. Бунинг учун мукофот пули таъсис этилганди. Топширилган ҳар бир бўри териси учун нақд пул тўланарди. Ҳатто бўриларга қарши кураш бўйича махсус давлат дастури ҳам бор эди. Бу ҳайвонларнинг териларини тайёрлаш матлубот кооперациясининг тайёрлаш тизими орқали амалга ошириларди. Бу механизм ҳозирги вақтда умуман йўқ бўлиб кетди дейиш мумкин. «Ўзбекбирлашув» тузилмасининг ўзгариши шунга олиб келди. Ваҳоланки, ўша вақтда ҳар йили 300тадан ортиқ бўри териси тайёрланарди.

Бизнингча, эндиликда шундай тартибни ёки бўрини овлашни рағбатлантиришнинг бошқа усулларини жорий қилиш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди. Айниқса, бўри болаларини уясида тутиш билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш лозим. Чунки, катта бўрини овлаш жуда мушкул иш. Улар ниҳоятда муғомбир, эпчил ва сезгир бўлади. Бўрини тутиш билан шуғулланувчи овчиларни ўқитиш ва тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам шу куннинг талаби бўлиб қолди. Айни вақтда уларни ов қилиш учун лозим бўлган қурол-яроғлар, қопқонлар билан таъминлаш керак. Республикамизда овчилик ўқлари ва қопқонлар ишлаб чиқарувчи корхона ҳам барпо этилса яхши бўларди. Бундан ташқари, бўриларни қиришда жуда самарали воситалар ҳисобланган вертолётлар ва автотранспортни ҳам етарли ажратиш лозим. Ҳозирги вақтда эса улардан умуман фойдаланилмаяпти. Еллаш учун етарли маблағ йўқ. Республикамиздаги мутасадди ташкилотлар биз баён қилган фикр-мулоҳазаларни синчиклаб ўрганиб чиқса айни муддао бўларди.

Мақсут МАХМУТОВ.

ДОСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

ШУ КУНЛАРДА вилоятимизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида «Алпомиш» достони яратилганлигига бағишланган тантаналар, турли учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Юқоричирчиқ туман марказий болалар кутубхонасида бўлиб ўтди.

«Алпомиш» элимизнинг фахри» деб номланган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамда кутубхона ходимлари ташкил этдилар.

Уни марказий болалар кутубхонаси директори Равшана Худайбергенова очиб, «Алпомиш» достонининг яратилиши ва уни қуйлаган вилоятимиз достончилари ҳақида тадбир иштирокчиларига қисқача сўзлаб берди. Шундан сўнг тумандаги 7-ўрта мактаб ўқувчилари «Алпомиш» достони бўйича тайёрланган саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

Реклама-Ахборот Агентлиги

Сизга матбуот конференциялари, тақдимотлар, матбуотда реклама компаниясини ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек Сиз учун қисқа муддатларда

- визиткалар,
- таклифномалар,
- гувоҳномалар,
- дипломлар,
- бейджиклар,
- папкалар,
- органайзерлар

тайёрлаб беради.

Телефонлар: (8-371) 133-99-15, 136-53-54. Педж.: (067) 29-00.

1998 йилнинг 20 сентябрида Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани ИИБ томонидан Эрматов Зиёдулла Норжигитович номига берилган СВ № 0388752 рақамли фуқаролик паспорти йўқолган.

Мукофот эвазига қайтаришларингизни сўраймиз. Тел.: 132-60-17, 132-60-16.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси жамоалари Бекобод тумани халқ таълими бўлимининг мудири

Курбонали Аҳмедович АЛМАНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан «Арзанда» акционерлик жамияти жамоа корхонаси қошидаги «Миллий таомлар» қаҳвахонасига савдо қилиш учун берилган йўқолган

РУҲСАТНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод туманидаги масъулияти чекланган «Тэско» жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон 67-84-94.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0400. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6